



SCIENCE BOX

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Б. Р. Адизов, Ш. Ш. Олимов

Бухоро давлат университети профессорлари, педагогика фанлари докторлари

Аннотация: Мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан таълим соҳасидаги янгиланишларнинг асл мақсади юксак билимли, мустақил дунёқараашга эга бўлган, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иктисодий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган. Ушбу мақсадни амалга оширишига қаратилган вазифаларни бажарии узлуксиз таълим тизимидағи ислоҳотларни янада чуқурлаштиришидир. Бу борадаги муҳим вазифа “умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидағи ўқитиши сифати билан боғлиқ” [1] эканини бугун давр тақозо қилмоқда. Таълим жараённига, уни мазмун, шакл ва методларини тубдан ўзгартиришини талаб қиласди. Айниқса, ислоҳот меваси сифатида ёшлиарни келажак ҳаётга ва турмушига тайёрлашда ҳаётда ўз ўринларини топишига қўмаклашуви янги тизим ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълим мини ташкил этиши ўз долзарблиги билан алоҳида ажратиб туради.

Жамият ижтимоий-иктисодий ва илмий-техник тараққиётига янгича қарайдиган мустақил фикрловчи, ишбилармон, буюк келажак пойdevорини қурувчи мутахассис, кадрларни тайёрлаш республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим долзарб вазифадир. Таълим ислоҳоти шароитида бу улкан вазифани тўла амалга оширадиган замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологияларидан моҳирона фойдалана оладиган педагог ва кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортди. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу жараён ҳалқаро миқёсда эътироф этилиб, ўзининг натижаларини бера бошлади. Бунинг оқибатида Ўзбекистоннинг иктисодий ва ижтимоий ривожланиши анча тезлашди. Лекин унинг келгуси тараққиёти омилларини инобатга олиш, таълим амалиётида қўлланилаётган янги ва илғор фан ютуқларидан кенг фойдаланишини тақозо этади. Тажриба кўрсатадики, технологиялар таълим олувчиларнинг интеллектуал ижодий ва ахлоқий камолотининг зарурий шарти ҳисобланади. Фақат шу асосда таълим ҳамма бўғинларида педагогик жараёнларнинг чуқур моҳиятини ташкил этувчи ривожланиш унинг асосий тушунчасига айланувчи ҳаракатланувчи куч янги педагогик технологиялардир. Кўп мамлакатларда ва шу жумладан, бизнинг республикамизда ўтказилган тадқиқотлар таълим тизимининг ҳамма бўғинида энг катта камчилик таҳсил олувчиларнинг олган билимларини амалий фаолиятга қўллай олмаслик эканлигини, мураккаб ҳаётий ва иктисодий вазиятлардан мустақил чиқиб кета олмаслик эканлигини кўрсатди. Таълим ислоҳотимизда жаҳон таълим мини ривожлантиришнинг ижобий хусусиятларини таълимни амалий инсон ҳаёти – шахсга йўналганлик тажрибасини ва уни ривожлантиришнинг муҳим воситаси янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида уни ривожланишини асосий йўналишларини белгилаш муҳим ҳисобланади. Ислоҳот оқибатида таълим тизимимиз ривожини жаҳонга йўналтириш яна бир муҳим вазифа - таълим ривожини бозор муносабатларига мослаштириш тажрибасидан унумли фойдаланишини талаб қиласди. Бозор ўз моҳияти билан ўзгарувчан. Унда бугунги ҳолат эртага тўғри келмайди. Шу асосда инсоний ва иктисодий муносабатлар ҳам кескин ўзгарувчан тус олади. Инсонни шундай ўзгарувчан вазиятларига тайёрлашда унинг ҳаётининг 10-15 йилини ташкил қиласиган таълим муҳим роль ўйнайди.





SCIENCE BOX

Бу эса таълимнинг амалий йўналишини кучайтириш, таълим жараённида объектлар ўртасидаги боғлиқликни инсоний муносабатларни моҳиятини тушунтириш кишилар билан мулоқотга кириша олиш, фикрини тўғри баён қилиш учун уни бошқаларга маъқуллаш, организм хусусияти қобилиятига мос касб танлашга ўргатиш белгиловчи ҳисобланади. Таълим жараённида бу талабларни амалга оширишда турли восита ва усуллар асосида тайёр билимлар ўрганиш микдорини камайтириб, таълим олувчилар интеллектуал, ижодий ва мустақил фикрлаш фаолиятини кучайтириш, олган билимларини амалиётга қўллаш, назарий билимларни амалий қўллаш ҳолатига қўювчи вазиятлар яратиш зарур бўлади. Таълимнинг амалий томони ҳам шахс учун, ҳам давлат учун фойда ҳисобланади. Чунки ҳар бир мамлакат таълим тизими унинг энг муҳим иқтисодий-ижтимоий вазифаларни ечишга хизмат қилиши керак. Таълим инсон учун ўз шахсий ҳаётини қуриш касб танлаш ва касб соҳиби сифатида ўзини намоён қилиш жамиятга муносиб ўрнини топишга хизмат қиласди. Демак, таълим муассасаси инсонни ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий, касбий фаолиятига тайёрловчи жойдир. Шу асосда таълимни асосини ислоҳ қилиш жамиятни ривожлантиришни тезлаштиришнинг муҳим омили ҳамдир. Шунинг учун таълим жамият ва шахс эҳтиёжларига сезгирилик билан жавоб бериши лозим. Жаҳон ривожланишининг умумий хусусиятидан келиб чиқиб, ҳозирги давр учун мустақил фикрловчи ўз ақлий ва ижодий қобилиятини амалиётга қўллай оладиган ўзига тўғри баҳо берадиган шахсни шакллантириш таълимнинг асосий мақсадини белгилайди.

Бундан кўриниб турибдики, таълим ислоҳоти мамлакатимиз учун ижтимоий-иқтисодий ва педагогик заруратга айланди. Уни жаҳон таълимининг илғор анъаналари асосида амалга ошириш ҳар жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Ислоҳот узлуксиз таълим тизимининг ҳамма бўғинларини мафкуравий, ташкилий-педагогик, мазмун ва мақсад, шакл ва методларини қамраб олган кенг қамровли ижтимоий ва иқтисодий-сиёсий ҳамда педагогик муаммодир.

Жумладан, биз унинг педагоглар малака ошириш тизим олдида қўяётган талаблар асосида қараб чикамиз.

Жаҳон андозаларига мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан касб-хунар таълимининг барқарор ривожланишига ҳамда уни таъминловчи педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқдир. Ўз навбатида бу ўқув жараёнини жаҳон стандартларига илғор педагогик ва ахборот технологиялари талаби асосида ташкил қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Педагог кадрлар малака оширишда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилган корхонларда бевосита ташкил қилиш ҳамда улар талаблари асосида ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш тизимини шакллантириш ҳам долзарб масала сифатида таъкидланди.

Педагогик тажрибаларни МДҲ мамлакатлари ва хорижий давлатларда малака ошириш соҳасидаги янгиликлар, изланишларни, шу соҳага доир тадқиқотлар йўналишлари билан таништириб бориш ҳам муҳимдир. Ушбу маълумотлар малака ошириш муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларга яқиндан ёрдам бериш билан бирга, малака оширишни замонавий даражада ташкил қилиш ва уни ислоҳ қилишга ҳам хизмат қиласди. Малака ошириш борасидаги янгиликларни тезкор амалиётга жорий қилишни педагоглик касбини тез ўзгарувчанлиги, бошқа касблар мутахассисларини тайёрлаш пойдевори ролини ўйнашини ҳам унутмаслик лозим.





SCIENCE BOX

Таълим ислоҳоти хужжатларида педагогик кадрларнинг касб тайёргарлиги, методик, маҳорати умумий маданий даражасининг талаб даражасида бўлиши амалга оширилаётган ислоҳотини хаётга тадбиқ қилишда асосий мезон эканлигини алоҳида таъкидланади. Яъни ҳар бир педагог даврий равишда уч йилда бир марта малака ошириш курсларида ўқиш билан чегараланмай, ҳар кун, ҳар доим ўз фанига доир ва баркамол тарбиясига доир кундалик ахборотларни мунтазам ўрганиб, ўз фаолиятига тадбиқ этиб борганида таълим-тарбия, касб-хунар ўрганиши ислоҳот талаблари даражасида амалга оширилишининг узлусиз такомиллашуви – баркамол авлод таълим-тарбияси ривожланишини таъминловчи омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда янгича, жаҳон андозаларига ҳамоҳанг таълим мазмунини жорий қилиш ўз-ўзидан эмас, балки қўп мингли педагоглар онги тажрибаси, ижодий фаолияти орқали амалга ошади. Таълим ислоҳоти янгича фикрловчи, асримизнинг шиддати ахборот оламида тўғри йўл топа оладиган, ахборотлардан унумли ёш авлод таълим-тарбияси, касб-хунар ўрганишига фойдалана оладиган, изланувчан, ижодкор педагогни шакллантириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Бу ишнинг қанчалик муҳимлиги шундаки, педагогик тажриба таълим мазмунига қанчалик янгилик киритиласин, қанчалик мукаммал дастурлар, дарслклар ва таълим стандартлари яратиласин, уларни ўқув-тарбия жараёнларига жорий қилиш ўқитувчиларга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Модомики шундай экан, малака ошириш жараёнида нималарга асосий эътиборни қаратиш ёки унинг мақсади нималарда ўз ифодасини топади? Энг муҳими:

- ҳар бир педагогнинг шахсий сифатлари ва касбий маҳоратини ўз мутахассислиги бўйича энг сўнгти янгиликлар билан таништириб бориш;
- касбий-педагогик фаолиятининг юқори даражада бўлиши учун янгиликларни амалиётга қўллаш кўникмаларини ривожлантириш;
- педагогларга янгиликларга ташналик ва доимо мустақил ўқиш ҳиссини тарбиялаш;
- ўқув жараёни ва малака оширишни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш.

Педагогик кадрлар малака ошириш жараёнини такомиллаштириш мазкур соҳа ходимларининг ўзларини касбий маҳоратини ошириш, уларнинг катталар таълими хусусиятларини, қонуниятларини тушуниш борасидаги тайёргарликларини такомиллаштириш ҳам муҳим ҳисобланади. Малака ошириш натижаларини доимий таҳлил қилиш асосида жараёнга ўзгаришлар киритиш зарур.

Профессор Ж.Г.Йўлдошев педагог кадрлар малака ошириш жараёнларини ислоҳ қилиш учун куйидагиларга эътибор қаратади:

1. Малака ошириш ислоҳотини «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ишлаб чиқилган давлат талабларига мувофиқ ташкил этиш.
2. Малака оширишни педагогларнинг фаол иштироки, янги педагогик технология ва инновацион тажрибалар асосида ташкил этиш.
3. Малака ошириш жаҳон тажрибалари асосида ташкил этишни иқтисодий меҳнатимизни яратиш.
4. Малака ошириш муассасаларида юқори малакали олимлар методистлар, муаллифлар, ижодкор ўқитувчилар ишлашига эришиш.





SCIENCE BOX

5. Малака ошириш муассасаларини ихтисослаштириш.
6. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик диагностикасини ўтказиш ва малака оширишнинг янги шаклларидан фойдаланиш.
7. Ҳар қандай шароитда ўқитувчининг ўз малакасини ўзи мустақил оширишига асосий шакл сифатида қараш [3,6-7].

Малака оширишга бағишлиган жиддий хужжатларда жамиятнинг педагог кадрлар касбий маҳоратига қайд килинади. Малака ошириш тизими жамиятнинг ижтимоий талабини қондира олмаётгандиги, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро мувофиқлиқ, ягона мақсадга қаратилганлик йўқлиги, педагоглар аттестацияси билан фаолияти ўртасида ва малака ошириш даражаси билан уни баҳолаш малака ошириш натижаларини моддий ва маънавий ривожлантириш ўртасида боғлиқлик малака ошириш натижаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик йўқлиги қайд қилинади [4,135]. Шу билан бирга педагог кадрлар малакасини оширишнинг узлуксиз таълим тизимидағи ўрнини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Педагог кадрлар малака ошириши ва қайта тайёрлаши билан узлуксиз таълим ўртасида боғланиши аниқлашда шунга асосий эътиборни қаратиш лозимки, бу ерда белгиловчи шахснинг ҳаёти фаолиятининг ҳамма босқичларида унинг ривожланиши билан чамбарчас амалга ошади. Узлуксиз таълим ўзининг мақсадли функцияси жиҳатидан шахснинг барқарорлигини таъминловчи жараён ва шароит сифатида намоён бўлади. Бунда узлуксиз таълим етакчи ижтимоий-педагогик принцип сифатида жаҳон тараққиётининг ҳозирги ҳолатини акс эттириб, ижтимоий – тараққиёт фаол субъекти бўлган шахсни ривожланишига қаратилган. Бу шароитда таълимга янги методологик асосда ёндашиб, уни ижтимоий институт сифатида қарашни тақозо қиласи.

Бунда таълим шахс иқтисодий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қиласи. Ўз ичига айрим кичик тизимларни олиб, уларнинг ҳар бирининг вазифаси умумий тизимдаги ўрни билан белгиланади. Ўз навбатида уларнинг ҳаммаси жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, ижтимоий иқтисодий, илмий-техник маданий ривожланиш даражасига боғлиқ ва унга хизмат қиласи.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, узлуксиз таълим факат 7 та таълим тури билан чегараланмайди. Шахснинг камолоти унинг таълим тизимидағи ўрни ёки ҳаёти билан чегараланмай, бутун умр давом этади. Унинг узлуксиз ҳаёти давомидаги комил инсон сифатида шаклланишида расмий давлат таълим муассасалари билан бирга ижтимоий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий ишлар, маданият ўчоклари ҳам маълум роль ўйнайдилар. Улар шахснинг умумий ва касбий тайёргарлиги ижтимоий-шахсий эҳтиёжларини қондириш воситалари сифатида намоён бўладилар. Бунда узлуксиз таълим ва унинг турли бўғинлари амалий ташкил этиш объектлари тариқасида мавжуд бўладилар. Шунинг учун педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми сифатида уларнинг босқичма–босқич ривожланишини шахс ва касб сохиби сифатида такомиллашувини таъминлаб, касбий фаолиятининг мукаммаллашувининг асосини ташкил этади.

Бунда бутун малака ошириш жараёнининг асосий йўналиши педагог кадрларнинг шахсий, иродавий – ахлоқий сифатларини ва касбий фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиласи. Ўз навбатида фаолият педагогнинг ҳам касбий, ҳам шахсини такомиллашувининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Чунки шахс фаолиятида ўзини намоён қиласи ва фаолиятда камол топади.





SCIENCE BOX

Шундай қилиб, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими уларни ижодий имкониятларини, шахсий сифатларини ва касбий билим малака ва кўникмаларини такомиллаштириб, ўқувчилар таълим-тарбиясини сифатини кўтаришга эришишдир.

Таълим ислоҳоти асосида педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш анча мураккаб муаммо ҳисобланади. Уни узлуксиз принципи асосида қайта қуришни амалга ошириш мумкин.

Шу билан бирга:

- педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини демократик ва инсонпарварлик асосида қуриш;
- педагогларни асосий (база маълумоти билан амалга ошириш ўртасидаги боғлиқликни ва фарқини ҳисобга олиш;
- давлат томонидан ташкил килинадиган малака ошириш курслари билан мустақил ўз устида ишлашни ўзаро узвийлигини таъминлаш;
- педагогларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни субъектив имкониятларини ижтимоий талаблар билан мувофиқлаштириш;
- малака оширишнинг турли босқичларида уни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш асосида мазмун ва шакл, методларини эркин танлаш имкониятини яратиш;
- малака оширишни ташкил қиладиган шакллари билан ижтимоий ва мустақил ўз устида ишлашнинг ўзаро боғлиқлигини ташкил қилиш;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими учун катталар педагогикаси хусусиятларини, педагогларнинг ёши, фаолияти, мотивлари, шахсий сифатларни чуқур ҳисобга олиш асосида ташкил қилиш;
- малака оширишда ракобат, экспертларни жорий қилиш;
- малака ошириш асосида педагоглар касбий фаолияти ва шахсий сифатларда бўладиган ўзгаришларини аниқлаш меъёrlарини ишлаб чиқиши.

Яна уларни тайёрлаш билан малакасини ошириш ягона тизим сифатида қарашибозим. Малака ошириш жараёни педагогларни тайёрлашда йўл қўйилган камчиликларнинг ҳаммасини тўла бартараф эта олмайди. Бунда энг муҳими олий таълим муассасаларида талabalарни қабул қилишда билим савиясини аниқлаш тестларидан олдин педагогликка қобилиятини аниқловчи синовлар киритиш жуда муҳимдир.

«Илмий – методик манбалар ва касбий таълим ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг тажрибаларини таҳлили бизга минтақалар бўйича олий ўқув муассасаларини ихтисослашмаганлиги ва интегратив ўқув предметлари имкониятларидан етарли даражада фойдаланимётганлигидан далолат бермоқда, – деб ёзди Б.С. Нуриддинов» [6,78].

Шу билан бирга билим олувчиларнинг, изланувчан ўқув билиш фаолиятларини таъминловчи омиллардан имкон кадар кенг кўламда фойдаланиш шу куннинг муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу пайтгача ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари бўлажак мутахассисларда касбий билим ва иш – ҳаракат усулларини таркиб топтиришни асосий мақсад килиб қўйган бўлса, бугунги кунда илмий билимларга асосланиб, мустақил ва ижодий





SCIENCE BOX

ёндашган ҳолда муаммолар ечимини топиш, хулоса чиқариш, ташкилий ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этишга қодир мутахассисларни тайёрлашни кўзда тутишдир.

Ўқитувчиларнинг шахсий моделини тузиш ва унинг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоси В.А.Сластенин томонидан тадқиқ этилган. Бу бевосита касбий таълим ўқитувчисига ҳам тегишилдири. В.А.Сластенин фикрича, «Ўқитувчи шахсининг умумлашган моделини педагогик фаолият тузилмасини тизимли таҳлил қилиш асосида тузиш мумкин бўлади».

Ўқитувчи модели унинг шахсий ва дастурнинг мазмунини танлаб олиш ҳамда тизимлаштиришга муҳим асос сифатида хизмат қиласди.

Ҳар бир касб соҳибига қўйиладиган талаб шу касбнинг моҳиятидан, мазмун мақсадидан ва жамиятда тутган мавқеи билан белгиланади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичидаги характерли хусусият шундан иборатки, айрим касблар ўз аҳамиятини йўқотиб «ўлиб» бораётган бўлса, унга карама-қарши янги касблар шаклланиб, жамиятда ўзларига муносиб ўрин эгалламоқдалар. Шу қонуният нуқтаи назардан педагоглик касбига назар солсан, бутунлай бошқа манзарани кўрамиз. Замонларнинг ўтиши бу касбни жамиятдаги мавқeinи пасайтирумайди, балки унинг ижтимоий моҳиятини янада кучайтиради.

Ҳамма гўзалликлар, фан-техника мұжизаларининг ижодкори, яратувчиси ўқитувчидир.

Хўш бу меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

«Ўқитувчи меҳнатининг ўзига хослиги унинг кўп қирралиги ва мураккаблигига». Шу билан бирга бу меҳнат ижодий характерга, яъни у доимо ўзгариб боради. Ҳар бир вазият, ўқувчилар билан муносабатнинг ҳар бир они ўқитувчилар учун маълум маънода бир – бирига ўхшамайди ва тақрорланмайди – деб ёзади профессор К.Зарипов [2,6].

Педагогнинг меҳнат обьекти ўқувчи шахси ҳам жисмонан, ақлий, рухий жиҳатдан ўзгариб боради. Ўқитувчи меҳнатининг қийин ва мураккаблиги, ўқувчи билан муомала қилишининг, унга таъсир кўрсатишнинг нозиклиги ундан педагогика ва психология фанларини чукур билишни талаб қиласди. Ўқитувчи меҳнатининг кўп қирралигига, уни бажаришга сарфланадиган вақтда ҳам кўринади. Ижтимоий тараққиёт, ислоҳот асосида таълим-тарбия, касб-хунар ўрганишнинг мураккаблашуви ўқитувчининг ўз вазифасини бажаришга сарфланувчининг иши ва бўш вақти ўртасида чегара тобора йўқолиб боришига сабаб бўлмоқда.

Педагогик меҳнатининг яна бир хусусияти унинг фаолияти, хатти-харакати доимо ўқувчилар назорати ва нигоҳи остида амалга ошишидир. Узлуксиз таълим тизимида янги пайдо бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбияни янги методологик асосда ташкил қилиш, янгича усул, шакл ва методлар асосда олиб боришина тақозо қиласди. Бу эса ўқитувчининг изланишга ундейди. Унинг фаолиятида тадқиқотлик хусусиятлари кучаяди.

Бу ўз навбатида ундан ўқувчилар жамоасининг тадқиқотчиси, нозик рухшунос, мохир тарбиячи сифатида назариётга ва амалиётга мос хусусиятларни ўзида шакллантириш эҳтиёжини келтириб чиқармокда. Бу муаммони ечиш малака ошириш жараённида уларни ижодий изланишга ўргатиш, ижодкорлигини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга моликдир. Шу билан педагогик жамоаларда умумий ижодий муҳитни, изланиш учун зарур шароит ҳам зарур. Шундай шароитда ўқитувчиларнинг ижоди илмий – педагогик тадқиқот билан таълим-тарбия, касб-хунар ўргатиш тажрибасини бир-бирига боғлайдиган занжир вазифасини ўтайди.





SCIENCE BOX

Ўқитувчининг ижоди ҳамма вақт маълум тажрибага асосланади. Чунки ижодкор киши доимо нимагадир интилиши керак. Бунинг учун йўлчи юлдуз илғор педагогик тажрибадир. Ўқитувчи илғор усулларни эгаллаши ҳамда уни ўз фаолиятида қўллаш йўлларини излаб педагогика, психология ва таълим методикасининг ютуқларига мурожаат қиласди. Ижодий ишлайдиган педагог ўзгалар тажрибасини таҳлилсиз, тўғридан-тўғри қабул қиласди, ўз тажрибаси билан таққослаб, кейин унинг илғор томонларини қабул қиласди. Педагоглик касбининг ўзига хос хусусияти тўғрисида гапирав эканмиз, унинг моҳияти асосан билим, касб-хунар ўргатиш эканлигини, шунга кўра унинг ўзи доимо ўқиши шартлигини алоҳида тақрорлаш лозим. Ўқитувчи касбининг мана шу хусусияти унинг муттасил равишда ўз устида ишлашининг, мустақил билим олишини тақозо қиласди. Унинг фаолияти муваффақиятли бўлишининг гарови узлуксиз равишда ўз устида ишлашдир.

Шундай килиб, ўқитувчи меҳнатининг энг муҳим хусусияти ёшлар ҳар томонлама камол топишини таъминлашдир. Бу эса ўз навбатида ижтимоий фаолият соҳиби – ўқитувчининг ўзини ҳар томонлама баркамол бўлишини тақозо қиласди. Баркамол шахсгина комил инсонни шакллантира олади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти дунёning ривожланган мамлакатларидағи таълим ривожи даражасига эришиш учун олижаноб саъй ҳаракатлардир. Бу бизнинг ривожланган давлатлар тарихий тажрибасидан ўринли фойдаланиш ва ўз ички имкониятларимиз тарихий илдизларига таяниб таълим тизимимизни якин вақтда илғор мамлакатлар даражасига кўтариш улардан мукаммалроқ миллий таълим-тарбия тизими шаклланишига ижтимоий-иктисодий асос яратишни тақозо қиласди.

АДАБИЁТЛАР

- Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь.
- Зарипов К.З. Янги педагогик технологияни тадбиқ этиш босқичлари. / Ж. Халқ таълими. 1997, 4-сон 4-12 бетлар.
- Йўлдошев Ж.Ф. Янги педагогик технология йўналишлари, муаммолари. // Ж. Халқ таълими. 1999 йил. 4-сон.
- Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989.
- Малака ошириш муаммолари, изланишлар, ечимлар. – Т., 2003.
- Нуриддинов Б.С. Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. – Т., 2001.

